БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 174 (3656).

3 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Механизаторлар юбилей йилида 1.500.000 тонна пахтани териб бериш мажбуриятини олишган. Сўзингизнинг устидан чиқишингизга астойдил ишонамиз. Ахир, сизлар гвардиячиларсиз. Гвардиячилар ҳамиша олдинда юради! Гвардиячилар бошқа отрядларга бошчилик ҳам қиладилар.

УЛУҒ БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА ТАЙЁРЛАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Бу йил Советлар диёримизда катта ва қувончли байрам — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 50 йиллиги нишонланади. XX асрдаги буюк воқеани мамлакатимиз меҳнаткашлари билан бирга қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари бутун прогрессив инсоннят тантанали байрам қилади.

Октябрь социалистик революциясининг аҳамияти чиндан ҳам буюкдир. Тарихдаги ҳеч бир революция халқлар тақдирида Улуғ Октябрь сингари чуқур из қолдирган эмас. Эски дунёнинг—эксплуатация ва қашшоқлик дунёсининг емирилиши, янги дунёнинг — меҳнаткашлар озодлиги ва бахт-саодати дунёсининг туғилиши Улуғ Октябрь билан боғлангандир. Улуғ Октябрь ялпи революцион янгиланиш даврини — капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси халқимизни жаҳон революцион, озодлик жараёнининг авангардига, мамлакатимизни бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари учун машъалга айлантирди. Совет халқи, Коммунистик партия инсониятнинг порлоқ келажагига, социализм ва коммунизмга биринчи бўлиб йўл очишдек ғоят буюк бахтга муяссар бўлди.

Ярим асрдан буён халқимиз ва партиямиз бу тарихий вазифани шараф билан адо этиб келмоқда. «Социалистик қурилишга, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги Тезисларида, — совет кишиларининг барча авлодлари меҳнати, мардлиги, ақлидрокининг хиссаси бор. Социализмга биринчи йўл солувчилар ва унинг биринчи қурувчиларининг тарихий ишларини инсоният ўз хотирасида абадий сақлаб қолади».

Социалистик республикаларнинг нурафшон сафида Совет Ўзбекистони ҳам ижодий кучлари барқ урган ҳолда шонли юбилейга тайёргарлик кўрмоқда. Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий снёсати тантанаси туфайли, қардош халқларнинг аҳил оиласида республикамиз Совет ҳокимияти йилларида қолоқликдан тараққиёт сари катта қадам ташлади. Омоч ва кетмон ўлкаси биринчи даражали индустрияга, юксак ривожланган социалистик қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эга бўлган республикага айланди.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек республикамизда ҳам байрамга тайёргарлик омманинг мисли кўрилмаган меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги мислсиз даражада ўсганлигини кўрсатувчи намойишга айланиб кетди. Октябрь олди социалистик мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда, бугунги кунда меҳнаткашларнинг минг-минглаб коллективлари юбилей меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Ишчилар синфи зўр илҳом билан меҳнат қилмоқда. Саноат корхоналарининг, қурилишлар, транспорт ва алоқа муассасаларининг коллективлари Ватан олдидаги бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Республика ғаллакорлари, пиллачилари ,қоракўлчилари юбилей мажбуриятларини садоқат билан бажардилар. Давлатга гўшт, жун, сут, тухум, сабзавот, мева ва узум сотиш планлари муваффақиятли адо этилмоқда.

Лекин Ўзбекистоннинг коммунизм моддий-техника базасини яратишга қўшадиган асосий хиссаси пахта бўлиб келди, ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўзбек диёрининг бебаҳо бойлиги бўлган пахтани халқимиз ардоқлаб «оқ олтин» деб атайди. «Оқ олтин»имиз Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамламоқда, коммунизм қурилиши ишига садоқат билан хизмат қилмоқда. Пахта ифтиҳоримиз, шон-шуҳратимиз, равнақимиз ва бахт-саодатимиз манбандир. Пахта қардош халқлар билан дўстлигимиз рамзи ва моддий ифодасидир.

Улкан пахта хирмони кўтариш учун курашда миллионлар қатнашмоқда. Пахтани деҳқонларнинг биргина ўзлари етиштираётганлари йўқ. «Оқ олтин» толасига кимёгарлар ва металлургларнинг, олимлар ва конструкторларнинг, чуғувчилар ва ирригаторларнинг, бинокорлар ва агрономларнинг, партия ва совет ходимларининг, коммунистлар ва комсомолларнинг, ҳамма меҳнаткашларнинг меҳнати сингган.

Улкан чўққилар эгалланган, республикамиз чинакам пахтакор давлат ва мамлакатнинг асосий пахта конига айланган ҳозирги кунда ифтиҳор ва зўр миннатдорчилик туйғуларига тўлиб тошган ҳолда шуни таъкидлаймизки, совет пахтачилигини ривожлантиришга Ленининг ўзи бошчилик қилган эди. Доҳийнинг истиқболни кўра билиши, давлат арбобига хос донишмандлиги улкан пахта хирмони яратиш манбаи бўлди. Эндиликда бу манбадан Совет Иттифоқидагина эмас, балки бошқа мамлакатлар халқ хўжалиги ҳам баҳра олмоқда.

Мамлакатимиз экономикасида пахтанинг нақадар катта аҳамиятини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Чунки пахта миллионларча кишиларни кийинтирибгина қолмай, саноатнинг жуда кўп тармоқлари учун қимматли хом ашё, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашнинг қудратли омили ҳамдир. Мамлакатга ғалла, металл, нефть, кўмир нақадар зарур бўлса, пахта ҳам шунчалик зарур. Пахта давлатимизнинг мудофаасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пахта етиштиришни кўпайтириш юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз, шон-шараф ишимиздир.

Ўзбекистон пахтакорлари ана шу бурчларини тўла англаган ҳолда юбилей йилида Ватанга камида 4 миллион тонна пахта етказиб беришдек юксак мажбурият олдилар Гарчи бу йил юз берган табиий офатлар оқибатида қишлоқ меҳнаткашлари катта қийинчиликларга дуч келган бўлсалар-да, республикамиз далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Етиштирилган ҳосил социалистик мажбуриятларнинг албатта бажарилишини тўла таъминлайди. Бунга шонли пахтакорларимизнинг қатъияти ва матонати, меҳнатсеварлиги ва маҳорати туфайли эришилди.

Ҳозир ҳамма ерда йиғим-теримга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда, юзлаб хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ пахта теримига тушдилар. Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун жангу жадалнинг энг масъулиятли, якунловчи босқичи бошланди. Йиғим-теримнинг қизғин палласи бошланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча қишлоқ меҳнаткашларига, республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, юбилей ҳосилини йиғиб-териб олишда актив қатнашишга даъват этадилар. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахта далаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, икки ойдан ошмаган муддат ичида бор ҳосилни сўнгги кўрагигача йиғиштириб давлатга топшириш, партияга, Ватанга, халққа берган сўзимизнинг устидан чиқиш шон-шараф ишимиз, қалбимиз бурчидир.

Аввало сизларга мурожаат қиламиз, шонли механизаторлар! Ҳозирги кунда пахтачиликда ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигингизга тан берган халқимиз касб-корингизни ҳурматлаб, сизларни меҳр муҳаббат билан дала гвардиячилари деб атайди.

Сизлар қаҳрамонона меҳнатларингиз билан деҳқонларимизнинг ишончини шараф билан оқламоқдасиз. Сизларнинг маҳоратингиз, талантингиз бу йил мўл ҳосил етиштиришда пахтакорларга мадад бўлди. Эндиликда ҳосилни вақтида йиғиб-териб олишнинг муваффақияти ҳам кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ.

Пахта териш машинаси деҳқоннинг энг қадрдон дўсти бўлиб қолди. Ватан бу машинани яратувчиларнинг хизматини юксак тақдирлаб, олий мукофот — уларга Ленин мукофоти лауреати унвонини берди. Бу йилги мавсумда 27 минг «зангори кема» республиканинг пахта океанида сузади. Сизларнинг ҳаммаларингиз биргаликда ҳар куни камида 60 минг тоннадан «оқ олтин» теришингиз мумкин. Чевар қўллар ҳам чаноқлардан шунча миқдордаги пахтани териб олса бўлади. Шундай терим суръати билангина юбилей мажбуриятларимизни улуғ байрам арафасида бажаришимиз мумкин.

Яқин кунлар ичида пахта териш техникаси ремонтини тўла тугаллаш, ҳар бир машинани ишга шай қилиб қўйиш, ҳар бир агрегатга иккитадан механик-ҳайдовчини бириктириб қўйиш зарур. Ҳар бир пайкални яна бир бор кўздан кечириш, ёввойи ўтлардан тозалаш, машина айланадиган жойларни ўз вақтида тайёрлаш лозим. Хуллас, ҳар бир машина муттасил, икки сменада ишлаб, кунига 3—4 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта териши учун ҳамма шароитни муҳайё қилиш даркор.

Эндиликда пахта териш агрегатлари билан бирга кўрак узиш ва тўкилган пахтани терадиган мукаммал машиналаримиз ҳам бор. Мана шу техника воситаларининг ҳаммасидан моҳирона фойдаланиб, юбилей йилини йиғим-теримни комплекс механизациялаш, йиғим-теримни қўл меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда ўтказиш сари кенг одим ташлаш билан нишонлаш механизаторларнинг шон-шараф ишидир.

Механизаторлар юбилей йилида 1.500.000 тонна пахтани териб бериш мажбуриятини олишган. Сўзингизнинг устидан чиқишингизга астойдил ишонамиз. Ахир, сизлар гвардиячиларсиз. Гвардиячилар ҳамиша олдинда юради! гвардиячилар бошқа отрядларга бошчилик ҳам қиладилар. Бинобарин Сизларнинг ҳар бирингиз Турсуной Охунова, Жавад Кўчиев, Мамажон Дадажонов, Маннон Жалолов, Қурбон Кенжаев сингари машҳур механик-ҳайдовчиларимиздек меҳнат қилишларингиз лозим бўлади.

Дефолиацияни яхши ўтказмай туриб машина теримини бошлаб бўлмайди. Бу иш эса сизларнинг қўлингизда, **учувчи ўртоқлар!** Қадрли дўстлар, сизлар ҳар йили пахтакорларга оғаларча катта ёрдам кўрсатиб келмоқдасиз. Юбилей йилида яна ҳам юксак марраларга интилиб, ўз маҳоратингизни кўрсатишингизга, ҳар бир самолётнинг унумли ва юқори сифат билан ишлашини таъминлашингизга ишончимиз комил.

Хўжаликларнинг раҳбарларини, бригада ва звеноларнинг бошлиқларини йиғим-теримда юксак интизом ва уюшқоқликни таъминлашга, машиналар ишлайдиган жойларнинг пахтасини қўлда терилишига йўл қўймасликка, механизаторлар ва теримчиларнинг юксак унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришга, далада иссиқ овқат ташкил қилиш, медицина ва савдо хизматини йўлга қўйиш, механизаторлар ва теримчиларнинг маданий хордиқ чиқаришини таъминлаш, болалар муассасалари ишига алоҳида эътибор беришга **даъват этамиз.** Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ёғин-сочинли кунларга қадар бор ҳосилни йиғиштириб олайлик, машинада териб олинган пахтанинг юксак сифатли бўлиши таъминлансин.

Юбилей йилида планни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажармаган бирорта ҳам хўжалик, бўлим, бригада, звено қолмасин.

Пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларининг ходимлари, сизларга мурожаат қиламиз. Пахтани чаққонлик билан қабул қилиб олиб, транспортнинг тўхтаб ва бекор туриб қолишига сира йўл қўймангиз! Ҳар бир тайёрлов пунктининг, қуритиш-тозалаш цехларининг пухта ишлашини таъминлангиз, пахтани тўғри сақлаш ва уни қайта ишлаш технологиясига қатъий риоя қилингиз! Ўзбекистон пахтасидан олинадиган ҳар бир тола фақат аъло сифатли бўлиши лозим!

Коммунист ва комсомол ўртоқлар, сизларнинг зиммангизга катта масъулият юкланган. Йиғим-теримда юксак меҳнат шижоати намунасини кўрсатингиз, сўз ва ишингиз билан барча меҳнат аҳлини ғайрат билан ишлашга руҳлантирингиз!

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари! Пахта далаларида социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирингиз. Мусобақа натижаларини ўз вақтида эълон қилиб турилишини таъминлангиз, илғорларнинг шон-шуҳратини кўтарингиз, далада ишловчиларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериб, уларга ҳар томонлама эътибор билан қараб, ғамхўрлик кўрсатингиз. Дала шийпонлари сиёсий-оммавий ва маданий оқартув ишларининг чинакам ўчоғи, теримчилар ва механизаторларнинг маданий хордиқ чиқарадиган жойи бўлишига эришингиз.

Матбуот, радио ва телевидение ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, пропагандистлар ва агитаторлар! Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун курашга актив кўшилиб, меҳнаткашлар коллективларининг ҳаётини чуқур ўрганингиз, илғорлар ва новаторлар тажрибасини кенг оммалаштиринг из, уларнинг меҳнат жасорати улуғворлигини тараннум этингиз!

Қадрли ўртоқлар! Мамлакатга кўп пахта, пахта бўлганда ҳам сифатли пахта керак. Уни кўз қорачўғидай эҳтиёт қилинг, ҳосил нобудгарчилигига сира йўл қўймант. Халқимизнинг бу катта бойлигини, ҳар бир граммигача, ҳам эъзозланг Томчилардан йиғилиб денгиз ҳосил бўлгани каби тоғ-тоғ пахта хирмони бунёд бўлади. Буни ҳамиша эсда тутинг. Пахтанинг ғўза тупларида қолишига, юкланда тўкилишига, оёқ ости бўлишига йўл қўйманг. Пахта нобудгарчилигига қарши аёвсиз курашинг.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети шунга қатъий ишонч билдирадиларки, ўзининг интернационал бурчига садоқатини ҳамиша исботлаб келган, умумдавлат манфаатларини чуқур тушуниш хиссиётларига тўлиб тошган республикамиз меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб ўзларининг бутун куч ғайратларини етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга сарф этадилар ва Ватанимизнинг шонли юбилейи—Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Ҳамма пахта теримига, қадрли дўстлар!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Хо Ши Мин, Л. Зуан, Чионг Тинь ва Фам Ван Донг ўртоқларга телеграмма юборди, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан қардош Вьетнам халқини, Вьетнам меҳнаткашлар партиясини, Вьетнам Демократик Республикаси миллат мажлисини, ҳукуматини ва шахсан республика раҳбарини Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган кунининг 22 йиллиги билан табрикладилар.

Бу шонли байрам, дейилади телеграммада, чиниққан Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигидаги қаҳрамон Вьетнам халқи ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун муқаддас кураш олиб бораётган, Америка империализмининг агрессиясига муносиб зарба бераётган, социалистик қурилиш йўлидан олға боришни давом эттираётган бир пайтда нишонланмоқда.

Совет Иттифоқи ўзининг интернационал бурчини бажариб, Вьетнам халқининг курашини қўллаб-қувватлаш снёсатини — партиямиз XXIII съезди маъқуллаган ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари тасдиклаган ана шу снёсатни бундан буён ҳам изчиллик билан давом эттираверади. СССР Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, АҚШ агрессиясини даф қилишда унга ҳар томонлама ёрдам бериб келди ва келгусида ҳам ёрдам бераверади. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг позициясини ва Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг программасини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу позиция билан программа бутун Вьетнам халқининг орзу-умидларига муносиб бўлиб тушади, 1954 йилги Женева битимларига мос келади ва Вьетнам масаласини Шарқи-Жанубий Осиё халқларининг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб бартараф этиш учун адолатли негиз бўла олади.

Телеграммада мард Вьетнам халқи социалистик мамлакатларининг ёрдамига, дунёдаги барча прогрессив кучларнинг мададига таяниб, ўз ватанининг озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун курашда ғалаба қозонади, деб ишонч билдирилади. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН


КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, СССР Олий Советининг депутати, атоқли совет ёзувчиси, жамоат арбоби, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати, икки марта СССР Давлат мукофотининг лауреати **Илья Григорьевич ЭРЕНБУРГ** узоқ давом этган касалликдан кейин 1967 йил 31 августда 77 ёшида вафот этди.



Область хўжаликларида ғўза баргини сунъий тўктириш бошланиб кетди. Суратда: Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида авиация ёрдамида ғўза барги дефолиация қилинмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

АТОҚЛИ ОЛИМ • УСТОЗ ПЕДАГОГ



Кишининг ёши улғайган сари унинг ватанига муҳаббати янада ифода қилиб бўлмайдиган даражада ортиб борса керак. Она — Ватаним! Мунча ҳам гўзалсан бепоён диёр. Кўкка етган тоғларингнинг ёқимли шабадаси, азамат дарахтларингнинг жилваю таъзими, мусаффо сувларингнинг ажойиб оҳанги, боғларингдаги қушларнинг навоси жонимга ором, завқимга завқ, ижодимга илҳом, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади.

Т. Н. Қори-НИЕЗИЙ.

БИРИНЧИ ПРОФЕССОРИМИЗ

Отаҳон олимимиз Тошмуҳаммад Ниёзович тўғрисида ёзмоқчи бўлсанг, беихтиёр ўз ўлканг халқинг тақдирини ўйлаб кетасан, киши! Бу сафар ҳам шундай бўлди. Т. Н. Қори-Ниёзийдек, забардаст, айтиш мумкин бўлса энциклопедист олим тўғрисида фахрланиб ёзса арзийди. Унинг кўп қиррали ижодий фаолияти Ўзбекистонлик олимлар учун ҳамиша ўрнак.

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи кунлардаёқ республика маданияти ва фанини ривожлантиришда академигимиз Т. Н. Қори-Ниёзийнинг хизматлари катта бўлди. У Ўзбекистонда биринчи ўзбек совет мактаби, шунингдек таълим тарбия техникумининг асосчиси ва ташкилотчиси сифатида ҳам ҳаммамизга маълум.

1920—1925 йиллар мобайнида Қўқон шаҳрида ўзи мудирлик қилган техникумда ёшларга пухта билим берди. У бу ерда математикадан дарс берарди. Унинг қўлида таҳсил кўрган талабаларнинг кўпи ҳозир фан ва маданиятнинг турли соҳаларида фаол меҳнат қилмоқдалар. Ҳурматли академигимиз Т. Зоҳидов, маданият ходимларидан М. Раҳмонов ва бошқалар техникумнинг биринчи талабалари бўлган эдилар. Биз уларни «13 қалдирғочлар» деб атаймиз.

Шундай қилиб, Тошмуҳаммад Ниёзович республикамиз маорифчилари ўн минглик армиясининг биринчи байроқдори бўлиб қолди.

Истеъдодли олим 1926 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультетига кириб ўқиди. 1929 йилда университетни тугатади. 1931 йилда эса Ўзбек олимлари ичида биринчи бўлиб физика-математика ихтисослигидан фанлар доктори илмий даражасига эга бўлди.

Докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган ўша ҳаяжонли дамларни яхши эслайман. Тўғрироғи, диссертацияга асосий оппонентлардан бири бўлгандим. Очиқ айтиш керакки, ҳимоя муваффақиятли ўтди. Етук олимлар ҳамкасбимиз илмий фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Тошмуҳаммад Ниёзовичнинг, юқорида айтганимиздек, асосий касби-кори ўқитувчиликдир. У ҳозирда ҳам ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли касбини муваффақиятли давом эттирмоқда. Унинг педагогик фаолияти 1928 йилда ташкил топган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти билан узвий боғлиқдир.

Олим ўзининг жўшқин фаолияти давомида қатор раҳбарлик вазифаларида ҳам ишлади. У Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Советти ҳузуридаги Фан комитетининг бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали президиумининг ранси, Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раисининг фан бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаб, фан ва маданиятимиз ривожи учун ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Маълумки, 1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига асос солинди. Ўшанда академикликка тўрт киши сайланган эди. Шулардан бири Тошмуҳаммад Ниёзович эди. Академиянинг биринчи президенти қилиб атоқли олимимиз Т. Н. Қори-Ниёзий тайинланди.

Моҳир профессоримиз фақат йирик математик олимгина эмас. Унинг фаолияти фаннинг бошқа соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Унинг одоб, ахлоқ ва тарбияга оид мақолалари, мазмунли суҳбатлари ва таъсирли нутқлари ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.

Олимнинг катта хизматларидан яна бири шундаки, у олий математиканинг умумий курси бўйича Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ўзбек тилида ўқув қўлланмаси яратди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида 300 га яқин турли илмий мақолалари, брошюра ва монографиялари босилиб чиқди. Тошмуҳаммад Ниёзович қаламига мансуб иккита йирик асар: «Улуғбекнинг астрономик мактаби» ва «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар»и СССР Фанлар академияси томонидан нашрга тайёрланди.

Шу нарсани мамнуният билан айтиш керакки, бу асарларнинг кўпчилиги Токио, Вашингтон, Лондон, Рим каби шаҳарлардаги илмий фикр аҳллари томонидан юқори баҳоланди.

Ҳозирда ҳам севимли олимимиз фаннинг турли соҳалари бўйича самарали тадқиқотлар олиб бормоқда. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллик юбилейи муносабати билан академикнинг 8 томлик «Танланган асарлар»ини нашр этишга киришди.

Эртага республикамиз жамоатчилиги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги профессор Т. Н. Қори-Ниёзий туғилган куннинг 70 йиллигини тантанали равишда байрам қилади. Тошмуҳаммад Ниёзовичнинг улкан олим бўлиб етишуви тасодифий эмас, албатта. Унинг бундай катта ижодий камолотга эришуви қонуний эди. Чунки, Улуғ Октябрь ёққан фан машъали миллионлар қатори олдий ўзбек фарзанди йўлини ҳам чароғон қилди. У қайноқ ижодий меҳнатдан ўз бахтини топди.

Т. САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

МАЗМУНЛИ УМР САНАЛАРИ

● Юбиляр олим Т. Н. Қори-Ниёзий 1897 йилда Хўжанд (ҳозирги Ленинобод шаҳри)да туғилди.

● 1917—1920 йилларда Фарғона шаҳридаги мактабда ўқитувчилик қилди.

● Шундан кейин беш йил мобайнида у Қўқон шаҳар педагогика техникумида ўқитувчи ва директор бўлиб ишлади.

● 1931 йилдан эътиборан то ҳозирги вактгача у Тошкент Давлат университети ва бир қатор бошқа олий ўқув юртларининг профессоридир.

● 1931—1933 йиллар ичида Тошкент Давлат университетининг ректори бўлиб ишлади.

● 1937—1938 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Маорифи Комиссари вазифасини ўтади.

● 1946 йилдан бери Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти олий математика кафедрасининг мудиридир.

ОЛИМ — ЖУРНАЛИСТ

Маълумки, Тошмуҳаммад Ниёзович халқимизга маълум бўлган журналлардан бири — «Фан ва турмуш»нинг бош редакторидир. Журналимиз «Социалистик фан ва турмуш» номи остида 1939 йилдан чиқа бошлаган эди. Ўша вақтда ҳам бу киши бош рёдактор ва журналнинг таъсис этувчилардан бири бўлди. Сал кам ўттиз йилдан бери бир журналга редакторлик қилишнинг ўзи матбуотимиз тарихида ажойиб бир ходисадир.

Қори ака ҳамма бир оғиздан «аллома», «энциклопедист олим» деб атайди. У кишининг бу сифати «Фан ва турмуш» журналига редакторлик қилишда, айниқса яққол намоён бўлди.

— Фан ва турмуш — чексиз тушунча, ҳаётда бирон нарса ё ҳодиса йўққи, у фанга ёки турмушга кирмасин деб таъкидлайди устоз. Фақат таъкидлайдигина эмас, балки фан ва турмушга оид фавқулодда чуқур билимлари билан, фан янгиликларидан ҳамиша хабардорлиги билан кундалик ишимизда бизга катта ёрдам кўрсатадилар. Том маъноси билан устозлик қиладилар.

Бош редакторимиз талабчан киши. Агар Қори ака бирон-бир фикрга қўшилмаса, бу фикр кимдан чиққан бўлишидан қатъий назар, «Йўқ, менимча ундай эмас, бундай» дейдилар ва ўз фикрларини исбот қилиб берадилар.

Қори аканинг ўзлари фавқулодда ҳалол одам бўлганлари ҳолда заррача ёлғонни, эгриликни кўрсалар, тоқат қилиб туролмайдилар.

Сирасини айтганда, редакциямиз ходимлари Қори-Ниёзий билан бирга ишлашга, у кишини оддийгина қилиб «Қора ака» деб аташга мушарраф бўлганликлари билан фахрланадилар.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ,
«Фан ва турмуш» журналининг масъул секретари.

Қайноқ қалб

Суҳбатимиз олимнинг ижодий режалари ҳақида борарди.

— Аввало, фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, юбилейнинг нишонланиши Ўзбекистон олимларн катта отрядининг бир вакили бўлган менга нисбатан кўрсатилган иззат-икромнинг ёркин ифодасидир, — олим Т. Н. Қори Ниёзий гапининг бу ёғини нимадан бошлашини билолмай бироз тараддудланди. Кейин маъноли кўзларини бир нуқтага тикиб, сўзида давом этди. — Ҳар бир ижодкор доим изланишда бўлади.

«Фан» нашриёти «Танланган асарлар»имнинг саккиз томлигини босиб чиқаришга киришди. Уларнинг дастлабки тўрт томи олий математика масалаларига бағишланади. Ўзбек фани ва маданияти ҳақидаги асарларим «Танланган асарлар»нинг бешинчи томини ташкил этади. «Улуғбекнинг астрономик мактаби» номли асарим ҳам алоҳида китоб ҳолида нашр этилади. Бу асарларни Улуғ Октябрь революциясининг шонли 50 йиллик юбилейига бағишладим.

Фан мисоли бир улкан хазина. Ундан дур аҳтариш ижодкор учун катта шараф. Фаннинг қатор соҳаларн бўйича озми-кўпми илмий ишлар яратдим. Албатта, буларнинг кўпи нашр этилди. Халқаро конгрессларга қатнашдим. Япония, Ҳиндистон, Италия, Польша, Дания мамлакатларида ўтказилган конгрессларда докладлар қилдим.

Яқинда яна бир хушхабарни айтишди. Париждаги халқаро фанлар академияси мени ўз аъзолигига номзод қилиб кўрсатди. Бу, катта ишонч ва бахтдир!

Келгуси йили Францияда катта илмий йиғин бўлади. Конгресс ишида мен ҳам қатнашаман. Конгрессда доклад қилиш учун ҳозирланаяпман.

Фалсафа кенг ҳаётий масаладир. Ҳа, ҳаётнинг ўзи катта бир фалсафа. Кўпдан бери ана шу ҳақдаги ўз мулоҳазаларимни жамлаб келаяпман. Эндиликда ҳаёт фалсафасига оид рисола ёзиш орзуси тузилди. Рисола устида катта ижодий иш олиб боришга тўғри келади.

Ҳозирда ҳам бошлаб қўйган ишларим кўп. Қисқаси, халқим, Ватаним учун ишлаш менинг учун катта бахтдир.

А. АЛИЕВ.

ҚОРИ АКАНИНГ ЁН ДАФТАРИДАН

◆ Қандай соҳада бўлмасин ижодий ҳаётнинг ажойиб хусусияти бор: киши маънавий жиҳатдан ўсган сари ўзининг маънавий камбағаллигини сезиб боради ва аксинча маънавий камбағаллиқни сезган сари ўсишга зарурий эҳтиёж ҳам кучайиб боради. Бу жараён қонуний ва чексиздир.

◆ Олимнинг бошқалардан асосий фарқи унинг илмий тафаккурида, тафаккур методида. Бу соҳада математика ғоят муҳим, ўткир қуролдир. Унинг бу хусусияти менга ошкор бўлган кундан бошлаб, бу фанга муҳаббатим ҳам ортиб борди.

◆ Ҳаёт кенг маънода ижодий бўлиб, фақат унинг ҳодисаларига қараш билангина чегараланмасдан, балки уларни кузатиб бориш ҳам лозим. Бу эса ўзига яраша машқ талаб қилади. Машқ қандай соҳада бўлмасин, такомиллашишнинг асосий воситасидир.

◆ Болалари (ўрта ёки олий) мактабда ўқиб турган баъзи ота-оналар, болаларн имтиҳон бераолмаган ҳолларда, гўё уларга «ёрдам» қилмоқчи бўлиб, у билан биргаликда имтиҳон олган ўқитувчига ёки директорнинг олдига «илтимос» билан келадилар. Холбуки, яхшилаб ўйлаб қараганда, бу ёрдам эмас, балки боланинг ўсишига катта тўсиқдир.

◆ Менимча, бирор жиноят қилган кишига тегишли жазо берилганда, унга ачинмаслик керак, чунки жиноят жазо билан тўланади. Лекин туҳматнинг ўзи, айниқса, софдил, онгли киши учун ҳар қандай жисмоний жазодан кўра қаттиқдир. У кишини руҳан ғоят эзиб юборади.

◆ ...боланинг ҳатто битта табассумини дунёдаги ҳеч қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди! Ҳозирча уни на ёзувчи ва на рассом тасвир қила олгани йўқ ва ҳеч вақт қила олмаса керак. Чунки, бунинг учун ёзувчининг қаламн ҳам, рассомнинг мўйқаламн ҳам ожизлик қилади.

«Ўзбек тилида математик адабиётнинг ривожланиши профессор Қори-Ниёзийнинг ишларидан бошланади. У ўрта ва олий мактаблар учун оригинал дарсликлар яратиш билан бирга ўзбекча шундай математик тил яратдики, бу тил айни замонда олий даражадаги ифодасига эга бўлди...

Мисрлик ўзбек ёшларн профессор Қори-Ниёзийнинг китобларини ўқиб, унинг равшан ва аниқ тили формалари билан тарбияланиб, ундан ўрганган тил ва тафаккур формаларини ўзбек халқи ўртасида тарқатдилар. Ўзбекча математик тил яратиш ўзбек халқининг ва Совет Иттифоқининг олдида унинг бебаҳо хизматидир»...

В. И. РОМАНОВСКИЙ,
Тошкент математика мактабининг асосчиси, марҳум профессор.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Бу воқеани ҳали-ҳали эслаймиз. Биз ўқиб турган техникумда гап тарқалди.

— Нима дейсан, Қори-Ниёзий келармиш...

— Фаргонадан!

— Мудирнинг ўз оғзидан эшитдим...

Ниҳоят Қори-Ниёзий келди. Биз бу ўқитувчининг номини эшитганимизда нодон, оппоқ соқолли кекса бир сиймо кўз олдимизга келган эди. Аммо, бунинг акси бўлиб чиқди. Эшикдан ўрта бўйли, қора сочини бир томонга силлиқ қилиб тараган, пиджак кийган ёшгина йигит кириб келди...

У бизга чинакам устоз бўлиб қолди. 1920 йил бошларида Қўқонда ташкил этилган область педагогика техникумида директорлик вазифасини ўтаган Тошмуҳаммад Ниёзович энди бутун куч-гайратини ёшларга кенг миқёсда билим беришга, хусусан математика ва физика фанларини ўқитишга астойдил бел боғлади.

Муаллимимиз ҳаммамиздан муомалада, юриш-туришда, ҳар бир ишда, кийинишда батартиб бўлишни талаб қилар эдилар. Баъзан бирортамизни чақириб қолсалар: «Нега чақирдилар экан? Мендан қандай хатолик ўтди экан?» деган саволлар туғилиб, ўзимизга ўзимиз ҳисоб берар эдик. Устознинг хузурига борганимизда у бизда юз берган бирон жузъий камчилигимизни таъсирли сўзлар билан кўрсатардилар. У кишининг танбеҳларидан сўнг камчиликлар мутлақо қайтарилмас эди.

Севимли ўқитувчимиз таълим-тарбия ишларини ўқувчиларни койиш ёки чўчитиш йўли билан эмас, балки аста-секин ва мунтазам равишда тушинтириш, ҳар бир нарсани турлича изоҳлаш ва кўпроқ турмушга боғлаш асосида олиб борар эдилар. Ҳар бир мавзуни ўқувчиларга тушунтириш ва сингдиришда эринмаганларидек, у кишининг изидан борган ўқувчилар ҳам эриниш хусусиятидан ҳоли эдилар.

Устозимизнинг бўш вақтлари деярли йўқ эди. Вақтдан тўғри фойдаланиш, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш Тошмуҳаммад Ниёзович учун одат бўлиб қолганди.

«Ўн уч қалдирғоч» номи билан танилган биз бир гуруҳ ёшлар истеъдодли олимнинг илк шогирдлари бўлдик. Хозир биримиз ўқитувчи, биримиз олим, яна биримиз қалам соҳиби. Лекин, биз қаерда меҳнат қилмайлик, одоб ва ахлоқ бобида, таълим-тарбия ишларида, жамиятдаги мавқеимизда ҳамиша устозимизнинг жамики ҳислатларини ўзимизда мужассамлаштиришга интилиб келаяпмиз.

Катта тўйингиз муборак бўлсин, муҳтарам устоз!

«Ўн уч қалдирғоч»лардан:
Р. ОТАЖОНОВ,
З. МИРСАЛИМОВА,
М. РАҲМОНОВ,
Ф. РАҲМОНОВ.



Академик Т. Н. Қори Ниёзий ўзининг катта олим бўлиб етишишида рус халқи улуғ намояндаларининг баракали таъсир этганини бир неча бор эътироф этган эди. У рус маданиятининг ўзбек маданиятига катта таъсир кўрсатганлигини ўз асарларида ҳам эътироф этади. Ҳурматли олим Қори Ниёзий бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг олимлари билан ҳам яхши алоқалар ўрнатган. Суратда: Т. Н. Қори Ниёзий рус рассоми С. Герасимов билан суҳбатлашмоқда.

МУРАББИЙ

Биз педагоглар севимли олимимиз Тошмуҳаммад Ниёзовични ўзимизнинг устозимиз деб биламиз. У чиндан ҳам совет педагогикасининг моҳир усталаридан бири.

Қори ака Ўзбекистонда ташкил топган биринчи совет мактабининг асосчиларидан бири. Қўқонда очилган биринчи ўзбек совет мактабида дастлаб ўқитувчи, кейин директор бўлиб ишлади.

Юбиляримиз шундан кейинги йиллар мобайнида ҳам севимли касби-корини тарк этмади. У ёшларга таълим-тарбия беришни ўзининг асосий бурчи деб билади.

Педагоглар унинг жуда кўп мазмунли суҳбатларини тинглаганлар, учрашувларда бўлиб, доно фикрларини эшитганмиз. «Таълим-тарбия — бир-бирига боғлиқ жараёндир, дейди устоз. Ўқитувчи ўз касбига меҳр қўйсагина обрў қозона олади».

Ҳақиқатда ҳам шундай! Биз педагоглар устоз ўқитувчимиздан ўрнак оламиз. Умрингиз боқий бўлсин, севимли мураббий!

Р. ДАМИНОВ,
Абдулла Набиев номли шаҳар пионерлар уйининг директори.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН — ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Қўлимизда минглаб журналхонларнинг севимли журнали «Фан ва турмуш»нинг саккизинчи август сони. Журналнинг муқовасида академик Т. Н. Қори-Ниёзийнинг портрети босилган. Ҳа, журналнинг бу сони атоқли олим ва маданият арбоби Қори-Ниёзий юбилейига бағишлаб чиқарилган.

Бу сонда юбилярнинг ҳамкасблари, шогирдларн ўз мақолаларн билан қатнашишган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов «Отахон олимимиз» деган мақоласида юбиляр олимнинг сермазмун ижодий фаолияти, шонли йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Журналда босилган мақолалар жуда ранг-баранг. Академик Т. Зоҳидов ўз мақоласида мўътабар устозини улуғласа, Ўзбекистон ССР Маориф министри А. Қўчқоров биринчи ўзбек совет ўқитувчисининг педагогик фаолиятн ҳақида тўхталади. «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Корнев унинг журналистик маҳорати ҳақида ёзади. Хуллас, журналда босилган мақолаларнинг ҳаммаси эҳтирос ва ғоят самимийлик билан ёзилган.

Олимнинг фотосуратларига ҳам кенг ўрин берилган. Журнал редакцияси бу сонни забардаст олимимизга бағишлаб, унинг юбилейига муносиб совға ҳозирлади.

МАДАНИЯТ АРБОБИ • ҚАЛАМ СОҲИБИ

ЯНГИ МАВСУМ

Эрта баҳорда яхши ният билан ерга уруғ қадаган деҳқон мана бугун бирин-кетин чамандек очилаётган «оқ олтин» чаноқларига қараб кўзлари қувонаяпти. Ҳадемай ёппасига йиғим-терим ишлари бошланиб кетади. Бепоён пахта далаларида «зангори кема»лар гувуллайди. Ёш-қари юбилей ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиб, унинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай давлат омборларига топшириш тараддудига тушади. Пахтакорлар билан бир пайтда пахта тозаловчилар учун ҳам масъулиятли давр бошланди. Улар янги ҳосилни намунали тайёргарлик кўрган ҳолда қабул қилиб олишлари, уни нобуд қилмай, сифатини бузмай сақлашлари ва қайта ишлашлари керак.

Пахта заводлари ва пахта тайёрлаш пунктлари юбилей йилининг ўтган ойларида бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган етти ойлик топшириқ 100,3 процент бажарилди. Қўшимча равишда 1794 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилди. 1966 йилнинг етти ойига нисбатан юбилей йилининг ўтган етти ойида 861 тонна тола ва 1862 тонна уруғлик кўп тайёрланди. Бу муваффақият кўпгина заводлар коллективларининг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилди.

Ҳозирги пайтда ўз сафига 210 кишини бирлаштирган 24 ишлаб чиқариш бригадаси коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун ўзаро мусобақалашаяпти. Бекобод, Алимкент, Тошкент ва Янгийўл пахта заводлари коммунистик меҳнат корхонаси номи учун курашмоқда. Мусобақадошлар маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни арзонлаштиришда қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган етти ойда трест бўйича товар маҳсулоти таннархи планга нисбатан 1096 минг сўмлик арзонлашди. Ҳар сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдан 1,2 тийин иқтисод қилинди.

Пахта тозалаш системасидаги корхоналар юбилей ҳосилини қабул қилиб олиш учун катта моддий-техника базаси тайёрлаётир. Барча пахта тайёрлаш пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш қувватига эга 998 майдонча тўла ремонтдан чиқди, янгидан 28 та майдонча қурилди. 100 минг квадрат метрдан кўпроқ жойга асфальт ётқизилди. 58 автомобиль тарозиси ремонт қилинди ва 5 та янгидан қурилди. Механизмлар ремонти ҳам тўла тугатилди. Областимиздаги кўпгина пахта тозалаш корхоналари қўшимча механизмлар билан бойиди. Янгийўл, Чиноз, Пискент ва Далварзин пахта заводларида қўшимча равишда ОХБ — 10 ва 6А — 12М маркали тозалагичлар монтаж қилинди. Алимкент, Далварзин, Бекобод пахта заводларида эса линт тозалайдиган агрегатлар ўрнатилди. Бекобод заводида янгидан тозалаш цехи қурилиб ишга туширилди.

Бундан буён ҳам корхоналар қувватини оширишга алоҳида эътибор берилади. Чиноз, Янгийўл, Бўка ва Тошкент пахта заводларида барча замонавий механизмларга эга бўлган қуритиш цехлари қуриш мўлжалланмоқда. Чиноз, Янгийўл заводларида янги ҳосилни қабул қилиб олиш арафасида қуритиш барабанлари ишга туширилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари янги ҳосилни қабул қилиб олишга ҳамон тўла ҳозирлик кўраётганлари йўқ. Кўпгина тайёрлов пунктларида омборлар томини ремонт қилиш, пахта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бухгалтерлик ҳужжатлари ҳамда лаборант ва классификаторлар тайёрлаш ишлари поёнига етказилмаган. Айрим корхоналарда тарбиявий ишларнинг қониқарсиз олиб борилиши натижасида меҳнат интизоми бузиляпти. Трест бўйича ўтган ярим йил давомида 2387 киши-куни сабабсиз равишда йўқотилди.

Тайёрланаётган тола сифати ҳам кўп ҳолларда заказчиларнинг талаби даражасида бўлмаяпти. Бекобод, Алимкент ва Тошкент заводларини ҳисобга олмаганда бошқа корхоналар сифатсиз тола, линт ишлаб чиқариб кўпчиликни ранжитяпти. Ўтган ойлар давомида Янгийўл заводига 22 та, Далварзин заводига 13 та, Пискент заводига 7 та рекламация тушди. Заказчилар бу корхоналарда тайёрланган маҳсулот сифатидан норози бўлишган. Бундай кўнгилсиз фактлар ҳамон учраб турибди.

Бу йил пахта тозалаш саноати ходимлари олдига улкан вазифа қўйилган. Ҳар қайси ишчи, инженер-техник ходим юбилей йилида катта синовдан ўтади. Сидқидилдан меҳнат қилган, ички имкониятларини тўла ишга солган коллективларгина юбилей йилини муваффақиятли якунлаб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлади. Биз гоятда қисқа муддат ичида барча камчиликларга чек қўйиб, дастлабки ҳосилни қабул қилиб олишга шай бўлиб турмогимиз лозим. Қабул қилинган ҳосилни тўғри сақлаш, уни ўз вактида қайта ишлаб тўқимачилик корхоналарига аъло сифатли тола етказиб бериш пахта тозалаш саноати ходимларининг муқаддас бурчидир.

С. НИШОНБОЕВ,
«Ташзаготхлопкотрест» бошқарувчиси.

БУГУН ГАЗ ВА НЕФТЬ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



ЭЛ ХИЗМАТИДА

Газ баллонлари ортган махсус машина Байналминал кўчасига бурилиб, муюлишдаги эшик олдида тўхтади. Маҳмуд кабинадан тушди-да, машина бортидаги баллонларнинг бирини эшик ёнига туширио, қўнғироқ тугмачасини босди. Ичкаридан ёши олтмишлардан ошган кампир чиқиб эшикни очди.

— Ассалому алайкум она. Газ олиб келдим. Шуни ўрнатиб берай деб сизни безовта қилган эдим, — деди Маҳмуд мулойим.

Зум ўтмай баллонни газ плитаси шкафига ўрнатди-да, бўшаганини олиб чиқиб яна рулга ўтирди. Бошқа абонентлар ҳам Маҳмудни кутиб ўтиришгандир. У бугун 40 та баллонни хонадонларга улашиб чиқиши керак.

Маҳмуднинг участкаси жуда ҳам катта. Байналминал, Қурилиш, Тоҳир, Зуҳра каби кўчалар, ўнлаб тупик ва проездлардаги хонадонларни у газ билан таъминлайди. Норма бўйича ҳар куни 20 баллон ўрнатилиши лозим бўлса, тиниб-тинчимас Маҳмуд 40—42 хонадонни газ билан таъминлаб чиқади. Бу икки норма деган гап. Касбдошлари Тўлаганов, Шапошников ўртоқлар ҳам эндиликда Маҳмуд Расуловдан ўрнак олиб абонементларга ўз вақтида ар зон ёқилғи етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Р. АЪЗАМХЎЖАЕВ.

Ушбу суратда сиз ЎзССР Фанлар академияси нефтни қайта ишлаш ва газ саноати илмий-текширш институтининг илмий ходими Сурайё Обидова ва аспирант Ўзган Обидов ўртоқларни кўриб турибсиз. Буларга ўхшаш изланувчан илм соҳиблари институтда кўплаб топилади. Уларнинг барчаси ҳозир катта илмий ишлар билан банд. Коллектив тавсия қилаётган каталнзаторлар нефтни қайта ишлаш ва газ саноати корхоналари ходимларн ишга барака киритмоқда. Партиямиз XXIII съезди қарорларини тўла амалга оширишда ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда ўз муносиб ҳиссасини қўшаётган олимларни ҳам бугунги айём билан қизғин табриклаймиз.

А. Абалян фотоси.

ГАЗ—БОЙЛИГИМИЗ

Халқимизнинг бундан 10—15 йил бурунги моддий ва маданий турмуш даражаси билан ҳозиргисини таққосласак, фаровонлигимиз нақадар юксалганлигини кўриб беихтиёр қувонамиз. Дарвоқе партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини юксалтиришда оталарча беқиёс ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Нефть ва газ саноати ходимларининг бугунги шодиёна байрамида буни эслаш биз учун айниқса мароқлидир. Йилдан-йилга хонадонларимизга кўплаб кириб бораётган газ плиталари минглаб истеъмолчилар оғирини енгил қилаяпти. Корхоналар қувватини ошириб, меҳнат унумдорлигини юксалтираяпти.

Трестимиз коллективининг халқимиз маданий фаровонлигини юксалтиришга қўшаётган муносиб ҳиссаси билан бугун ҳақли равишда фахрланамиз. Негаки, пойтахтимизни газлаштириш ишларининг ҳажми бутун республика миқёсидаги ишнинг 48 процентини ташкил этади. Трестимиз ҳали ёш. Унинг тузилганига эндигина етти йил бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида пойтахт корхоналари ва аҳоли хонадонларини газлаштириш борасида анчагина тадбирлар амалга оширилди. Етти йил мобайнида 128 та йирик корхона газ билан таъмин этилди. 107 минг хонадонга табиий газ кирди. Тошкентда ҳозир 700 километрга яқин газ қувурларидан «зангори олов» оқиб турибди.

Совет ҳокимиятининг шонли эллик йиллигига барча меҳнат аҳли қатори трестимиз коллективи ҳам муносиб туҳфалар тайёрламоқда. Бу йил 133 километр газ қувурлари ётқизиш, 6000 хонадонни газлаштириш кўзда тутилган. Натижа ҳозир чакки эмас. Биринчи ярим йилликда 670 минг сўмлик ўрнига 686 минг сўмлик миқдорда капитал қурилиш ишлари бажарилди. Трестимиз ихтиёридаги кўпгина участкаларда юбилей йили мажбуриятини муддатидан илгари бажариш учун кураш тобора қизғин тус олмоқда.

Маълумки, шаҳримиз аҳолиси бошига тушган табиий офат биз газ саноати ходимларини ҳам жиддий ташвишга солиб қўйди. Чунки кўплаб турар-жой биноларн шикастланди. Эндиликда зилзиладан зарарланган хонадонлар учун кўплаб янги турар-жойлар қуриб берилди. Янги уйларга кўчиб ўтган тошкентликлар хонадонларини газлаштириш биринчи галдаги вазифамиз эканини яхши ҳис этамиз. «Октябрь» ва «Партия XXI съезди» массивларида газчиларимиз қизғин иш олиб боришаяпти. Бу соҳада улар «Ўзсантехгазмонтаж» трестининг аъзолари билан ҳамкорликда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Булар орасида В. Юрмин бошчилик қилаётган участка аъзоларининг иши айниқса мақтовга сазовор. Улар участкалар ўртасида юбилей шарафига авж олган социалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти. Ўз касбини ардоқлаб, коллективнинг чуқур ҳурматини қозонаётган юзлаб газчиларимиз бор. Слесарь И. Левин, инженер В. Белкин каби ўз касбининг моҳир усталари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шуларнинг битмас-туганмас қувончлари туфайли юбилей йилининг биринчи ярмидаёқ белгиланган 2046 хонадон ўрнига 2913 хонадонни баракат газлаштиришга муваффақ бўлдик. 54 километрдан ортиқ газ қувурлари ётқизилди. Табиий газни реализация қилиш ойлик топшириқлари ҳам мунтазам суратда ортиғи билан адо этилмоқда.

Коммунал хўжаликлар тармогини газлаштириш соҳасида ҳам бирмунча ютуқларга эришганмиз. Умумий овқатланиш корхоналарини газлаштириш юзасидан намуна бўларли тадбирлар амалга оширилаяпти. Бу тармоқларнинг газлаштирилиши хўрандада ва ошпазларни беҳад хурсанд этмоқда. Сўнгги ойларда биз Киров паркидаги ошхона ва чойхонани тўла газлаштирдик.

Амалга оширилган тадбирлар билан ҳар қанча фахрлансак ҳам ҳали олдимизда кўпгина вазифалар турганини яхши тушунамиз. Айрим ойларда газлаштириш ишлари кўнгилдагидек бўлмаяпти. Бунинг ўзига хос кўпгина сабаблари ҳам бор. Шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи ташкилотлар трестимизга ўз имкониятларидан ортиқча вазифалар юклаяпти. «Средазнефтегазстрой» трести «Партия XXI съезди» массивида газ қувурларини кўмиш, газопроводларни монтаж қилиш ишларини вақтида бажаролмадилар. Шунинг натижасида қувурлар иккиюч ойлаб кўмилмай қолиб кетмоқда. Ҳолбуки, шундай ишларда куч ҳам, техника ҳам етарли. «Ўзсантехмонтаж» трестига ҳам баъзи истакларимиз бор. Улар ҳам газ қувурлари ётқизиш ва уни фойдаланишга топшириш борасида, суст ишлаб бизнинг қўлимизни боғлаб қўйишмоқда. Бунга яна хонадонларни газлаштиришда лойиҳа-смета ҳужжатларининг вақтида етказиб берилмаётганини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Агар лойиҳачилар ҳам бор имкониятларни ишга солиб ишни жадаллаштириб юборишса, юбилей йили аҳдимизни муддатидан анча илгари бажариш учун қўшимча имкониятлар туғилади.

Биз бугунги айёмда Тошкентни газлаштириш юзасидан олиб борган ишларимизга якун ясаб, бу йўлда яна янгидан-янги тадбирларни амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлашга отланамиз. Жонажон пойтахтимиз кўркам бинолари, муҳташам маданий-маиший муассасалари, обод турар-жойлари билангина эмас, минглаб аҳолига яратилаётган кўпгина қулайликлари билан ҳам ҳавас қилдуден-ҳавас қилдуден ошаётир. Трестимиз ишчи-хизматчилари, газчиларнинг катта армияси ана шу эзгу ният йўлида барқарор меҳнат қилишга интилмоқдалар.

А. ОТАЖОНОВ,
«Ташпромкоммунгаз» трестининг бошқарувчиси.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти марказий комитетининг съезди

ХАНОЙ, 1 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларидан бирида Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг фавқулодда съезди бўлиб ўтди. Фронтнинг Марказий Комитети чақирган бу съезд Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг сиёсий программасини муҳокама қилди ва маъқуллади. Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиуми раисининг ўринбосари, Марказий Комитетнинг Бош секретари Хюнь Тан Фат шу программа лойиҳасини баён этиб берди.

Вьетнам информация агентлигининг «Озодлик» радиостанциясига асосланиб хабар беришича, август ойининг ўрталарида бўлиб ўтган шу съезднинг ишида фронт Марказий Комитетининг ҳамма аъзолари, сиёсий партияларнинг, оммавий ташкилотларнинг, турли миллатларнинг, диний группаларнинг, миллий озодлик фронти қуролли кучлари қўмондонлигининг вакиллари ва бошқалар қатнашганлар.

Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси Нгуен Хиу Тхо ўзи қилган докладда Жанубий Вьетнам озодлик қуроллн кучлари билан халқининг Америка агрессорларига ва уларнинг малайларига қарши курашда эришган муваффақиятларини анализ қилиб берди. Нгуен Хиу Тхо тўла ғалабага эришиш йўлида Жанубий Вьетнам озодлик қуролли кучлари билан халқи олдига янги вазифалар қўйди. Съезд қатнашчилари Нгуен Хиу Тхонинг докладини ҳам муҳокама қилиб, маъқулладилар.

МАЛАЙЗИЯНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

СИНГАПУР (ТАСС). Малайзия федерациясининг халқлари ўз миллий байрамлари — мустақиллик кунини нишонладилар. Байрам шарафига Куала-Лумпурда намойиш ва ҳарбий парад бўлди.

Бундан роса 10 йил муқадам Малайзия мустақилликка эришди. Малайзия бош министри Абдул Раҳмон халққа йўллаган мактубида, мамлакат ўтган 10 йил мобайнида Англия мустамлака ҳукмронлигининг бутун 150 йилидагидан ҳам кўра анча кўп муваффақиятларга эришди, деди. Мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, ўз саноатини ривожлантиришга интилмоқда.

Аммо Малайзияда чет эл, биринчи навбатда Англия капиталининг тазйиқи ҳали ҳам катта. Мамлакатдаги энг йирик каучукзорларининг, қалайн конларининг учдан бири чет эллик-лар қўлида турибди.

Малайзия давлат арбоблари иқтисодий қолоқликни тугатишда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан алоҳида умидвордир. Шу йил апрель ойида Малазня Совет Иттифоқи билан тузилган савдо-сотиқ битимига имзо чекди. Бу, мамлакат тарихида биринчи тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли битим бўлди.

ЗАМБИЯДА РОДЕЗИЯ ЖОСУСИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ДОРУССАЛОМ, 1 сентябрь. (ТАСС). Фактлар Африкадаги Замбия давлати территориясида қўшни Родезия разведкасининг фаолияти активлашаётганлигидан далолат бермоқда. Яқинда Замбия давлат хавфсизлиги органлари «Мис белбоғи» районида Англия фуқароси Брайан Фитчни қамоққа олдилар. Ҳукмрон миллий мустақиллик бирлашган партияси кенгашининг Лусакада бўлган мажлисида президент Кеннет Каунда айтдики, Фитчга Родезия фойдасига жосуслик қилди, деб айб қўйилган.

Африкадаги бу ёш мамлакатда шу йилнинг апрелидан бери кенг жосуслик тармоғи фош этилди. Смит разведкасининг қамоққа олинган жосуслари орасида чет эл паспортларига эга бўлган 7 киши бор.

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС, 1 сентябрь. (ТАСС). Нигерия федерал ҳарбий ҳукумати самолётлари Шарқий областдаги ва Ўрта Ғарб штатидаги Шарқий Нигерия қўшинларн ҳарбий объектларини яна бомбардимон қилдилар. Нигерия радиосининг хабарига кўра, Калабар ва Порт-Харкортдаги аэродромлар, шунингдек Ўрта Ғарб штатининг пойтахти Бенин шаҳри районида тўпланган Шарқий Нигерия қўшинларн бомбардимон қилинган.

Кадуна (Шимолий Нигерия) радиосининг кеча хабар беришича, Шарқий Нигерия қўшинлари федерациядан ажралиб, ўзини Биафра республикаси деб эълон қилган Шарқий Нигериянинг бош шаҳри Энугудан шарқроқда жойлашган Нкалагу деган саноат шаҳридан чиқиб кетганлар. Радионинг яна эшиттиришича «Биафра қўшинлари чекинаётган, қўприкларни портлатиб бормоқда экан, шунингдек федерал ҳукумат қўшинларн ҳужумини тўхтатмоқчи бўлиб беҳуда уриниб, йўлларни тўсмоқда».

Бенин (Шарқий Нигерия қўшинлари оккупация қилган Ўрта Ғарб Штатининг пойтахти) радиосининг айтишича, мамлакат Ғарбий Штати территориясида бўлган Окитипупа шаҳри районида Шарқий Нигерия қўшинлари билан федерал ҳукумат қисмлари ўртасида уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Радио айни вақтда Окитипупа шаҳрининг ўзи аввалгидек Биафра қўшинлари томонидан ушлаб турилганлигини эшиттирди. Нигерия федерал ҳукуматининг баёнотига кўра, Окитипупа райони бундан бир неча кун аввал Шарқий Нигерия қўшинларидан тозаланган.

ҚАТТИҚ КУРАШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

ИТАЛИЯ

РИМ. Италия қанд саноати меҳнаткашларидан юз минг киши бир неча ҳафтадан бери қаттиқ кураш олиб борди. Уларнинг бу кураши ғалаба билан тугади.

Корхона эгалари репрессиялар қўлланиб ва ишдан бўшатиб ишчиларни забастовка курашидан воз кечишга мажбур этишга уриниб кўрдилар. Лекин улар оқибат-натижада ён беришга ва меҳнат ҳақидаги янги битимни имзолашга мажбур бўлдилар. Бу битимда меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш кўзда тутилади.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. «Буль» компаниясининг Лиондаги электрон аппаратлари заводи меҳнаткашлари дирекциянинг корхона «норентабел» ишлаяпти деган баҳс билан заводни ёпиб қўйиш ниятига қарши норозилик билдириб оммавий забастовка ўтказдилар. Иш ташловчилар умуммеҳнат конференцияси составига кирувчи машинасозлик ва металлургия саноати касаба союзлари федерациясининг даъвати билан электрон аппаратлар ишлаб чиқараётган корхоналарни даҳлсиз национализация қилишни ҳамда завод ишчи ва хизматчиларини иш билан тўлиқ таъминлашни талаб қилдилар.

«Юманите» газетасининг ёзишича, «Буль» компаниясининг Лиондаги заводни ёпмоқчи бўлиши Франциядаги Америка капитали сиёсатининг бевосита оқибатидир. Франциядаги электрон ускуналар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг тақдири Американинг «Женерал электрик» трести қўлидадир. Бу трест 1964 йилда «Буль» акциялари пакетини контроль қилишни ўз қўлига олган эди.

АВСТРАЛИЯ

КАНБЕРРА. Австралия касаба союзлари кенгашининг Мельбурида ўтказилаётган конгресси нарх-наво устидан назорат ўрнатиш учун миллий кампания ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сўнгги икки йил ичида турли молларнинг нархи камида 30 баравар оширилди. Бу эса, меҳнаткашлар реал иш ҳақининг жуда пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Конгресс делегатлари хотин-қизлар меҳнати учун баравар ҳақ тўлашни жорий этиш юзасидан қатъий фикр билдириб, бу масала юзасидан махсус резолюция қабул қилдилар.

ЮҚОРИ ДОИРАЛАР УМУМАФРИКА УЧРАШУВИ ОЛДИДАН

БРАЗЗАВИЛЬ, 1 сентябрь. (ТАСС). Африкадаги 37 мустақил давлат, яъни Малавидан ташқари, Африка Бирлиги Ташкилотига аъзо бўлган барча мамлакатлар Киншасада чақириладиган юқори доиралар Умумафрика учрашувида қатнашадилар.

Киншаса радиосининг хабар беришича, Гвинея, Эфиопия, Гана, Нигер, Мали, Замбия, Нигерия, Уганда, Марказий Африка Республикаси, Конго (Браззавиль), Руанда, Камерун, Либерия, Мавритания, Дагомея, Чад, Сомали, Танзания, Того, Юқори Вольта, Жазоир ва Конго (Киншаса) Африка Бирлиги Ташкилоти ассамблеясига давлат бошлиқларини юборадилар. Бошқа давлатлардан ассамблеяга давлат бошлиқларининг ўринбосарлари, ҳукумат бошлиқлари ёки олий мансабли бошқа вакиллар келадилар.

МИЛУОКИДА НЕГРЛАР НАМОЙИШИ

НЬЮ-ЙОРК. 1 сентябрь. (ТАСС). Уй-жойлар ижарага олинишда ирқий камситилишга қарши Милуокидаги (Висконсин штати) негрлар намойишини кеча кечқурун полиция таёқларни ишга солиб тарқатган. Шаҳар маъмурларининг тақиқлашларига қарамай, шаҳарда бу намойиш 4 кундан бери давом этмоқда. Негрлар алоҳида маҳаллалардагина яшашга маҳкум этилиб, Милуокининг бошқа районларига ўтишларига қўйилмаслик практикасининг йўқотилишини талаб этмоқдалар.

Кеча намойишчиларнинг бир қисми полицияга қаршилик кўрсатиб, уларни тош—бўрон қилди. полиция машинаси куйдирib юборилди. 60 га яқин киши қамоққа олинди.



Бу сурат Канар оролларида олинган. Бу ерга кўплаб туристлар келиб туради. Саёҳатчилар туяларда сайр қилишни яхши кўришади. Йўл ўртасига ётиб оладиган туялар кўпинча машиналарни ўтказмай кўяди.

Нордфото—ТАСС фотоси.



ДЎСТЛАР ТУҲФАСИ



Янги ўқув йили бошланишида чилонзорлик мактаб ўқувчилари ажойиб совға олдилар. Москвалик қурувчилар янги тўрт қаватли мактаб биносини тантанали суратда ҳадя этдилар. Унда ҳамма қулайлик ва шарт-шароитлар мавжуд. «Фақат яхши ва аъло ўқишингизни тилаймиз», дейишди уларга москваликлар. Суратларда: (юқорида) «Главмосстрой»нинг 179-қурилиш бошқармаси бошлиғи Павел Гайнов мактабнинг рамзий калитини ўқувчига топширмоқда. Пастдаги суратда эса мактабнинг умумий кўриниши.

Р. Шамсиддинов ва Б. Мўминов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси)

ОДОБ САТРЛАРИ

● Ўзингиздан катта ёшдаги кишилардан, гарчи унинг тутган мавқеи кичик бўлса ҳам, тўрга ўтманг. Бу одобдан бўлмайди.

● Менинг ёшим катта деб ўзингдан кичикларга бешафқат ёки, беписанд бўлишга одатланма. Ота-боболаримиз ақл ёшда эмас, бошда деб, бежиз айтмаганлар-ку!

● Кишининг одоблилиги, донолиги, меҳрибонлиги унинг бўй-бастига, савлатига қараб аниқланмайди.

● Уйингда ота-онанг меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтирганда укаларингни йиғлатма, ота-онанг меҳмон олдида изза бўлмасинлар.

● Ота-онанг, қариндошларинг ожиз кишилар бўлса, уларни хўрлама, кўнглини олишга интил, олқишига сазовор бўл!

● Дўстинг билан суҳбатлашганда бировни ғийбат қилма. Чунки, дўстинг билан сенинг орангда ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин.

● Ота-онанг сенга насиҳат қилаётганида жим туриб тинглашни одат қил. Бу сенинг ота-онангга ҳурматингни билдиради.

● Биров қоқилиб йиқилганини кўрсангиз, зинҳор кулманг, масхараламанг! Йўқса, ўзингизни унинг ўрнига бир қўйиб кўринг-а!

● Бировга яхшилик қилсанг, уни таъна қилма. Халқимизнинг «Яхшилик қил—дарёга от», «Балиқ билади, балиқ билмаса холиқ билади» деган ҳикматини унутманг!

● Камтарлик—жасорат тожи деган сўзнинг маъзини чақ.

● Шуни унутмагинки, камғаплик—донолик белгиси, сергаплик нодонлик нишонаси.

● Ота-онанг ҳузурида ойнага қараб ўзингга оро берма. Бу—андишасизлик бўлади.

● Беморнинг руҳини кўтариш одобдандир. Ожизлардан кулганларни ақли ожиз деяверинг!

● Одамлар орасида хуштак чалма, қаттиқ кулма. Бошқаларга малол келади.

● Меҳмонингни пастга ўтқазиб, ўзинг юқорида ўтиришга одатланма.

● Бировга чой ёки бошқа нарса таклиф қилаётганда ўнг қўлингда одоб-тавоза билан узат!

Тошларнинг сеҳрли „суви“

«Қўш-қўрғоқ тошдан сув тошчилари оқиб чиқиб, ўз тарихини ҳикоя қилади». Яқинда матбуотда босилиб чиққан «Тилга кирган тош» деган хабарда ана шундай жумла бор эди.

Наҳотки, бир неча асрлардан буён саратоннинг ҳароратидан қорайиб, қўлингизни куйдирадиган даражада қизиб кетган тоғ тошларида сув бўлса?

— Ҳа, айни шундай тошларда сув бор. У оддий бўлмай, сеҳрли сувдир, — дейди олим Тўрабек Далимов.

Ўртоқ Т. Далимов фаннинг бу «мўъжизаси» устида самарали тадқиқот ишлари олиб борди. Ёш олим тошнинг сеҳрли суви «тили»дан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг кўпгина тоғларидаги гранит тошларнинг қандай шароитда ҳосил бўлганлигини аниқлади.

—Гранит тошлардаги сувнинг ҳажми Ленинниг ёшлиги ўтган шаҳар Ульяновскда бўлиб, бу ердаги музейни томоша қилишди, революцион ва жанговар шон-шуҳрат жойларини бориб кўришди. Улар салкам 4 минг километр йўлни велосипедда босиб ўтишди.

Тўрт спортчи бу юришини Октябрь 50 йиллиги байрамига бағишлайди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ







Свердлов номли концерт залида Чехословакия Социалистик Республикаси санъаткорлари томошалари давом этяпти. Ладислав Безубки раҳбарлигидаги эстрада усталари концерти томошабинларга манзур бўлмоқда. Суратларда (юқоридан) Л. Безубки раҳбарлигидаги жаз ансамбли куй ижро этмоқда. Солистлар Вероника Мерйенова (ўртада) ва Карел Склацки (пастда) қўшиқ ижро этишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Мультфильм.** 11.20 — **Пионервожатийларнинг сиртқи мактаби.** 11.40 — **Енгил қадамлар** (телеспектакль). 12.30 — **Бадиий телефильм).**

Ўзбек тилида: 13.00—**Узоқ оролнинг сири** (мультфильм). 13.30 — **Еш куч** (спорт программаси, болалар учун). 14.00 — **Ёввойи от Динго** (бадиий фильм). 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.05 —**Пионер** прожектори. 17.25—**Ўзбекистоннинг газ ва химияси** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 17.45 — **Телеялнғиликлар.** 18.00 —**Ёшлинки хотирлаб** (бадиий фильм) 19.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Телеялнғиликлар.** 19.25 — **Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимларининг куни.** 20.25 — **Адабиёт ва санъат телевизион журнали.** 21.45 — **Киноялнғиликлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 — **Будильник.** 13.30 — **Ҳамма юқорига** (Ленинграддан олиб кўрсатилади. Ўқувчилар учун). 14.15 — **Телефильм.** 14.45 —**Интервидение. Санъат оламида.** 15.15 — **Халқ қўшиқлари хазинасида.** 16.00 —**Москвада Белоруссия ССР ҳафталиги. Ер эгаси.** 16.30 — **Кундузги эшиттиришларнинг охири.** 17.15 — **Нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.** 17.45 — **Концерт** (нефтчилар талабига мувофиқ). 18.10 — **Қандай хизмат қилиш керак** (Совет Армияси ва флоти жангчилари учун). 18.50— **Музикали киосна.** 19.15 — **Бутуниттифоқ ер ислоҳоти фестивали.** 20.45 — **Эстрада-67.** 21.45 — **Ярим аср йилномаси. 1928 йил** (ҳужжатли фильм). 23.40 — **Телеялнғиликлар.** 23.10 — А. Толстой ва П. Шчеголев пьесаси асосида ишланган спектаклнинг иккинчи қисми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IX да **Махтумқули**, 4/IX да **Бағри тош.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IX да **Аяжонларим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Венгер бойи — «ЎЗБЕКИСТОН». СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да; кундуз 3, 5 да).

Омонгелди (кундуз соат 12, 2, 4 да), **Қўшиқ қаноти** (кеч 6, 8, 10 да): — «ЧАЙКА».

Нафосат — «САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Капитата бола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Византиялик савдогар хазинаси —«ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Венгер бойи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тентаклар оролидан хатлар — «РАКЕТА».

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий, безакли

ГУЛИСТОН ЖУРНАЛИГА

1 сентябрдан

ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна нархи:

Бир йилга 3 сўм 60 тийин

Олти ойга 1 сўм 80 тийин

Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

Гулистон га обуна чекланмаган, аммо унга ҳозиргдан ёзиб қўймаган кишилар армонда қолади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01191
Индекс — 64697.
А. 1737.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МАРШРУТ МАШМАШАСИ

Ҳозир истаган манзилингизга истаган транспортда етиб олишингиз учун ҳамма шароит мавжуд. Афсуски фақат «Ташавтомаш» заводи—чорвачилик илмий-текшириш институти маршрутида бундай эмас.

Бу маршрутда график бўйича учта автобус қатнаши керак. Лекин шу маршрут пайдо бўлгандан бери учта автобус қатнаганини йўловчилар у ёқда турсин, шу соҳанинг муттасаддилари ҳам эслаша олишмайди. Чунки бу маршрут Чирчиқ таксимотор парки раҳбарларининг кўзидан нари бўлгани учунми битта, ҳамиятлари тутиб турган бўлса, иккита «тани носоғ» автобусни йўлга чиқаришади. Хўш, бу «ногирон» автобуслар йўловчилар узоғини яқин қиладими ёки ўзини-ўзи оппайдими? Айрим ҳолларда йўлга чиқарилган резервдаги автобус шоферлари график деган қоидага мутлақо риоя қилишмайди.

Таажжуб, автобус шоферлари йўловчилар асабини бузишдан бўлак «хизмат» кўрсатаётганлари йўғ-у, бунинг устига юзларини айтмайсизми. Ўзлари гараждан кеч чиқишади-да, кўп вақтларда «графикдан неч қолдим деган» баҳона билан автобусни охирги остановкагача етмай ярим йўлдан қайтаришади.

Чирчиқ шаҳар автотаксимотор паркининг раҳбарлари (директори Ю. Шораҳимов, транспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи С. Усмонов ўртоқлар), сизга бир савол: юқоридаги машрутда транспортнинг нормал қатнови устидан ким контроллик қилади? Йўловчилар жавобингизни кутадилар.

Х. МУМИНЖОНОВ,
Х. АБДУЛЛАХЎЖАЕВ,
Чинобод қишлоқ Советининг депутатлари.

Э. ҚОРАҲЎЖАЕВ,
Оржоникидзе район ижроия комитетининг инспектори.

Спорт

ОЛТИН МЕДАЛЬ МУБОРАК

Италия шаҳрида баскетбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган навбатдаги Европа биринчилиги мусобақалари тугади.

СССР ва Чехословакия терма командалари мағлубиятга учрамай финалга чиқди ва ўзаро куч синашди.

Бу учрашув қизғинининг кучли командасини аниқлаб берарди. СССР терма командаси 58:33 ҳисобида устун келди ва Европа чемпиони бўлди.

Совет спортчилари сафида тошкентлик Татьяна Волкова ва Тамара Хабибуллиналар ҳам бор. Бу қизлар «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти аъзоси бўлиб ана шу жамият командаси ўйинчиларидир.

Олтин медаль муборак, баскетболчи қизлар!

ВЕЛОСИПЕДДА МОСКВАГА

Тошкентлик тўрт спортчи велосипедда Ватанимиз пойтахти Москвага борди. Булар педагог Равиль Мамашев, студентлар Александр Гевелб, Алексей Галосов ва Юрий Агабабянлардир.

Велосипедчилар қизил кум саҳролари, Оренбург чўлларидан ўтиб, Волга бўйлаб юришди. Дорожимиз Ульяновскда бўлиб, бу ердаги музейни томоша қилишди, революцион ва жанговар шон-шуҳрат жойларини бориб кўришди. Улар салкам 4 минг километр йўлни велосипедда босиб ўтишди.

Тўрт спортчи бу юришини Октябрь 50 йиллиги байрамига бағишлайди.

ЯНА ИККИ ОЧКО

«Политотдел! колхози футболчилари биринчи сентябрь куни ўз майдонларида яна икки очкони қўлга киритдилар. Улар Уфанинг «Строитель» командаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп уриб, навбатдаги ғалабага эришдилар. «Политотдел» 26 ўйинда 30 очко тўплаб, олтинчи ўринда турибди.

Шу куни Фарғонада бўлган ўйинда «Нефтяник» Душанбанинг «Энергетик» командасини қабул қилиб 1:1 ҳисобида дурангга эришдилар. Бошқа учрашув натижалари қуйидагича: «Олға» (Фрунзе)—«Помир» (Ленинобод)—3:0, «Строитель» (Ашхобод)— «Локомотив» (Челябинск)—2:0, «Шахтёр» (Қарағанда)— (Луч» (Владивосток)—2:0, «Восток» (Усть-Каменогорск)—СКА (Хабаровск)—0:0, «Уралмаш» (Свердловск) — «Торпедо» (Томск)—1:0, «Звезда» (Пермь)—«Кузбасс» (Кемерово) — 0:0, «Темп» (Барнаул) — «Иртиш» (Омск)—0:0.

МУҚАННА

Биламан, азизим мен ҳам биламан
Жасур Муқаннанинг воқеасини,
Эҳ, сизга ўргатиб нима қиламан,
Фидойи одамнинг фожиасини.
«Ёв олса ватанни олибди, лекин,
Тўппи топилади омон бўлса бош»
Дея тинч кечирса бўлмасмиди кун,
Нега лоқайдликка бермади бардош?
Тахт илинжи уни тинч қўймадими,
Ёки муҳтожмиди молу дунёга,
Ёки битта қорни тўймас эдими,
Ўзини урмаса шунча балога?
Юртнинг катталари бор эди ахир,
Ахир, бор эди-ку лашкарбошилар.
Аммо нега уни кўтарди аср,
Уйлаб тажрибасиз ақлим шошилар.
Қилич Муқаннани енголганн йўқ,
Енга олгани йўқ тумонат аскар.
У мағлуб бўлмасди курашда балки,
Душманлар юзма-юз келганда агар.
Аммо ҳамма ерда тарқалди игво,
Игво ҳам бўлурми шунчалар «гўзал»
Қуйма ҳақиқатга ўхшарди гўё,
Ҳақиқатдай содда, ихчам ва тугал.
«Бу—буҳтон, туҳмат!» деб оҳ урмади у,
Узини оқлашга қилмади шитоб.
Устоз—пустазига югурмади у,
Ҳеч кимни қоралаб ёзмади китоб.
Вақт деган доно бор ёруғ дунёда,
Ечилмай қолмайди бирорта тугун.
Ҳошим номи минг йил бўлди қоп-қора,
Аммо эл олдида оппоқдир бугун.

Маъруф ЖАЛИЛОВ.

ЧЎНТАК ЁЗУВ МАШИНКАСИ

Бу чўнтак ёзув машинкаси биринчи марта 1878 йилда Парижда жаҳон кўргазмасида намойиш қилинди. Шундан буён Данияда музейлардан бирида ойнаванд шкафчида сақланмоқда.

У миттилар оиласидан жой олган ёзув машинкасидир. Машинка ниҳоятда кичик бўлганлиги учун текстни фақат телеграф лента қоғозига ёзиш мумкин.

ОЛИМЛАР НОМИ БИЛАН

Олмалиқ яқинида Қорамозор тоғларидаги Кўрғошин кон. Нақпой ва бошқа конлардан бирунит минерал топилди. Бу — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ва геофизика институти олимларининг қўлга киритган навбатдаги ютуғи бўлди.

Мазкур янги минералга олимларнинг ўзлари ном беришди. Улуғ ўзбек олими Абу Райҳон Беруний шарафига гранит унинг номи билан «бирунит» деб аталди.

Институт олимлари топган яна бир янги минерал «авицент» деб номланди. Бу — буюк олим Абу Али ибн Сино номи билан аталган топилмадир.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Дераза ромларига сирка суртиб қўйсангиз хонага пашша учиб ўтмайди.

● Уст кийимнинг ёқаси бир оз кирланган бўлса, ишлатилган сиркага пахта ҳўллаб артинг, осонгина тоза бўлади.

● Чеснок ҳидини кетказиш учун пича петрушка чайнаш кифоя.

● Дарз кетган тухумни шўр сувда пиширган яхши. Бордию, чучук сувда пиширилса ёрилгидан оқиб кетади.

● Овқат қайнаётганида ёғоч қошиқ билан айлантириб турилса, витаминлар тўла сақланиб қолади.



Терим машинаси: — Дод дастингдан уста...

М. Воробейчиков чизган расм.

Навбат

[Набижон уйда ёлғиз ўтирганда Қўчқор киради. У хафа. Набижон буни сезмай суюниб гапира бошлайди].

Набижон — Ие, ие, кел Қўчқор, бормисан дунёда, қани бу ёққа ўтир. Йўқлаб келганинг учун бошим осмонга етди. Зерикиб ўтирган эдим. Бу уй деганинг болачақа, хотин-халаж билан обод экан. Мана бир ҳафтадан бери ишдан келсам, уйимиз сув қуйгандай. Хотиним болаларни олиб кишлоққа онасиникига кетган эди. Дараги йўқ. Ёлғизман оғайни. Мана энди иккаламиз паловхон тўрани ясаб, бир отамлашамиз, хўпми?

Қўчқор — Ҳозир менинг юрагимга қил ҳам сиғмайди.

Набижон — Нега, бир нима бўлдими?

Қўчқор — Бўлганда қандай. Мен агар сендай ёлғиз бўлсам дўппимни осмонга ирғитар эдим, оғайни. Бошим ғалвадан чиқмай қолди. Эрта ғинг-ғинг, кеч ғинг-ғинг, тоқатим тоқ бўлди. Уйдан бошимни олиб чиқиб кетмоқчиман.

Набижон — Нима-нима- Ҳай Қўчқор, менга қара, эсингни едингми? Сал ўзингни бос, иккита боланг бор-а, ўйлаб гапир!

Қўчқор — Тоза ўйладим. Оила сири ташқарига чиқмасин деб ҳамма аламларни ичимга ютиб келдим. Энди сабр-тоқатим қолмади. Кетаман дедимми, кетаман.

Набижон [кесатиб] — Кетасизми?

Қўчқор — Ҳа.

Набижон — Болаларни тирик етим қиласизми?

Қўчқор — Ҳа, ҳа, ҳа!

Набижон — [жиддий] Бекорларни айтибсиз. Сен эсингни ебсан. Уни-буни қўй, саломатлигинг жойидами, иситманг йўқми? Саврихондай хотинни, попукдай-попукдай болаларингни ташлаб, кетаман дегани қандай тилинг борди?

Қўчқор — Эй Набижон, сен билмайсан. Саври хотин эмас, бир бало!

Набижон — Қанақа бало?!

Қўчқор — Узинг биласан ҳизматчилик, идорада ҳар хил топшириқлар, мажлислар бўлиб туради. Баъзан ишдан сал кеч қолишга тўғри келади. Шунақа пайтларда кўзимни очирмайди. Ким билан бирга эдинг деб хархаша қилади.

Набижон — Бўлмаса хотининг сени юраҳдан яхши кўрар экан.

Қўчқор — Яхши кўрар экан?

Набижон — Яхши кўрмаган хотин эрини тергамайди.

Қўчқор — Бунақа яхши кўргандан кўра, ёмон кўргани мақул.

Набижон — [босиқ овоз билан]. хотининг хархаша қилса сен қизишма. Жаҳл билан тўртайма. Хотининг баланд келганда сен қаққайма. У қовоғини солса, сен кул. Ўчакишма, вассалом. Шунда хотининг бир ловуллаб ёнади-ю, ўчади, қолади. Шунақа қил оғайни, мен ҳозир сизларни яраштириб қўяман.

Қўчқор — овора бўлма. Юзини кўришга тоқатим йўқ.

Набижон — Бекорларни айтибсиз **[Телефон қилади].** Алло, алло, салом, ким бу. Эй Саврихон яхшимисиз, болалар омонми, уйлар тинчликми? Раҳмат, раҳмат. Болалар далада, Саврихон, бу Қўчқор уйдами? Магазинга чиқиб кетди, дейсизми? Мен ҳозир сизларникига бормоқчиман. Меҳмон қиласизми? А, бош устига... раҳмат синглим, раҳмат. **[Трубкани қўяди]** Мана бўлди, юр кетдик.

Қўчқор — Бормайман.

Набижон — Борасан **[етаклаб чиқиб кетади. Чироқ ўчиб ёнганда Қўчқор ўз уйида ёлғиз ўтиради. Набижон хафа ҳолда киради].**

Қўчқор — Набижонмисан, қандай шамоллар учирди? Кел ўртоқ, нега дарагинг бўлмай кетди? Тинчмисан ўзинг?

Набижон — Қаёқда дейсан, бошим ғалвадан чиқмай қолди. Хотинимнинг тили заҳар-заққум. Уйда ҳеч ҳаловат йўқ. Тўнғиллаганн тўнғиллаган.

Қўчқор — Шунақами?

Набижон — Шунақа.

Қўчқор —Бўлмаса хотининг сени юракдан яхши кўрар экан. Яхши кўрган хотин эрини шундай тергайди. Бировлардан қизғонади. Шунинг учун хотининг уришса сен қизишма, туртайма, у баланд келса, сен пастроқ бўл, қовоғингни солма, кул. Ўжарлик қилма. Ана шунда олам гулистон, муросаларинг яхши бўлади. Тушундингми? Мен ҳозир сизларни яраштириб қўяман.

Набижон — Овора бўлма. Мен энди у уйга қадам ҳам босмайман.

Қўчқор — Бекорларни айтибсан **[телефон қилади].** Салом Лолахон, саломатмисиз, болалар омони, уйлар тинчликми? Лолахон, Набижон уйдами? Кўчага чиқди... келиб қолади дейсизми? Хўп-хўп менми, ҳа, ўзим ҳам бир бормоқчи эдим. Ҳозир йўлга чиқаман. Раҳмат-раҳмат **[трубкани қўяди].** Набижон, қани, кетдик.

Набижон — Бормайман дедим, бормайман.

Қўчқор — Борасан дедим, борасан **[етаклаб олиб чиқиб кетади].**

Б. ХАЛИЛОВ.

АРЗНОМА

(Терим машинасини ёмон сақлаётган, унинг ремонтини чўзиб юбораётган колхозлар ҳам йўқ эмас).

Мен «зангори кема»ман,
Арзим кимга деярман.
Токай устахонада,
Занг босган бир тўдаман.
Дод дастингдан уста,
Минг дод дастингдан уста.
Ғилдирагим беш бўлак,
Қай бир қисмим йўқ, керак.
Ўста бепарво палак,
Эшит арзимни тош юрак.
Дод дастингдан уста,
Минг дод дастингдан уста.
Инсофла бир боқ ахир,
Винтларим қайда? Чақир!
Ўтган йил олтин ортган,
Бункерим отга оҳир.
Дод дастингдан уста,
Минг дод дастингдан уста.
На бўлур қўлинг тегса,
Гумбурлаб юраколсам.
Жавлон уриб пайкалда
«Оқ олтин» тераколсам,
Бўлар эди Деҳқоний,
Шод дастингдан уста.
Минг шод дастингдан уста.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

ИНТЕРМЕДИЯ

Набижон — Қанақа балоғ!

Қўчқор — Узинг биласан ҳизматчилик, идорада ҳар хил топшириқлар, мажлислар бўлиб туради. Баъзан ишдан сал кеч қолишга тўғри келади. Шунақа пайтларда кўзимни очирмайди. Ким билан бирга эдинг деб хархаша қилади.

Набижон — Бўлмаса хотининг сени юраҳдан яхши кўрар экан.

Қўчқор — Яхши кўрар экан?

Набижон — Яхши кўрмаган хотин эрини тергамайди.

Қўчқор — Бунақа яхши кўргандан кўра, ёмон кўргани мақул.

Набижон — **[босиқ овоз билан].** Ҳозир менинг ҳузуримда ўтирибсан, ҳеч ким йўқ, ўзингни бос, ҳаммасини тўғрисини айт, нега ёмон кўрасан?

Қўчқор — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Набижон — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Қўчқор — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Набижон — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Қўчқор — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Набижон — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Қўчқор — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Набижон — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Қўчқор — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Набижон — Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман. Ёмон кўрганимни ўзим ҳам билмайман.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.